

ISSN 2181-5291

PSIXOLOGIYA

ILMIY JURNAL

НАУЧНЫЙ ЖУРНАЛ

SCIENTIFIC JOURNAL

№ 1, 2021

www.psixologiyabuxdu.uz





(*parietalis*), чакка қисмдаги излар **T-** (*temporalis*) ва энса қисмдаги излар **O-** (*occipitalis*) ҳарфлари билан белгиланади[9].

Ёзиб олиш вақтида ЭЭГ сигналига ташқи аралашув таъсир кўрсатиши мумкин ва у артефакт деб аталади. Артефактлар иккига бўлинади физиологик ва техник. Физиологик артефактга кўз ҳаракатлари, мушаклар қисқариши, ютишдаги ҳаракатлар, кардиограмма ва ҳ.к.лар киради. Техник артефактларга 50 Гц частотали, хонадаги электр тармоқлари томонидан яратилган электромагнит майдонларнинг мавжудлигидан келиб чиққан, шунингдек симларнинг силкиниши ва заиф электродлар билан боғлиқ бўлган тармоқлар токи киради. Барча техник артефактлар одатда осонлик билан бартараф этилади[10].

Шундай қилиб, психофизиологик электроэнцефалограмма дастурли мослама психологлар ўз миждоғлари билан коррекцион иш олиб боришларида уларнинг эмоционал ҳолатларини тўлиқ англашлари ва миждоғ мия фаолиятининг ритмларини бошқаришда айнан электроэнцефалограмма психофизиологик усул сифатида ҳам қулай, ҳам ишончли ҳисобланади. Бундан ташқари мия фаолиятини ўрганиш бўйича олиб бориладиган турли хил тадқиқотлар ўтказилишида амалий психологлар, психофизиологлар ва бошқа йўналишларда фаолият олиб боровчи психологлар учун илмий ишларни ишончли, янги ғояларни таҳлил қилиш учун энг замонавий ва қулай усул ҳисобланади.

Адабиётлар:

1. «Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 августдаги ПҚ-3907-сон қарори.
2. Данилова Н.Н. Психофизиологическая диагностика функционального состояния. М., 1992.
3. Соколов Е.Н. Теоретическая психофизиология. М., 1986.
4. Жирмунская Е.А. Системы описания и классификация электроэнцефалограмм человека М.: Наука, 1984.
5. Заболотных В.А. Практический курс классической клинической электроэнцефалографии. Монография. Санкт-Петербург, 1998.—82с:
6. Королева Н.В., Колесников С.И., Воробьев С.В. Феноменологический атлас по клинической электроэнцефалографии.
7. Русинов В.С., Гриндель О.М., Болдырева Г.И., Вапард Е.М. Биопотенциалы мозга человека. Математический анализ. М., 1987.
8. Данилова Н.Н. Функциональные состояния: механизмы и диагностика. М., 1961.
9. Хьюбел Д. Глаз, мозг, зрение. М., 1990.
10. Конорский Ю. Интегративная деятельность мозга. М., 1970.



Собирова Дилафруз Абдурашиқовна,
Бухоро давлат университети “Психология” кафедраси доценти, Халқаро
Психология Фанлари Академияси мухбир аъзоси,

ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ ФАОЛИЯТИДА СОЦИАЛ-ПСИХОЛОГИК КОМПЕТЕНТЛИК ВА ЭМОЦИОНАЛ ИНТЕЛЛЕКТ ОРАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАР ТАҲЛИЛИ (ХОЛЛ УСЛУБИ БЎЙИЧА)

*Ушбу мақола “Оила психологияси фанидан мультимедия маҳсулотини яратиш”
мавзусидаги инновацион лойиҳа доирасида баёжарилган.*

Аннотация: Ушбу мақолада тиббиёт ходимларининг социал-психологик компетентлиги билан уларнинг эмоционал интеллектини ўртасидаги боғлиқлик кўрсаткичлари очиқ берилган.

Калит сўзлар: социал-психологик компетентлик, эмоционал интеллект, эмпатия, эмоционал билимдонлик, вербал компетентлик, эксперт баҳолаш.



Аннотация: В данной статье раскрываются показатели связи социально-психологической компетентности медицинского персонала с его эмоциональным интеллектом.

Ключевые слова: социально-психологическая компетентность, эмоциональный интеллект, эмпатия, вербальная компетентность, эмоциональная эрудиция, экспертная оценка.

Abstract: In this article, the indicators of the connection between social-psychological competence of medical personnel and their emotional intelligence are revealed.

Key words: social-psychological competency, emotional intelligence, empathy, verbal competency of emotional erudition, expert evaluation.

Мавзунинг долзарблиги: Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш ва соҳа мутахассисларининг касбий тайёргарлик даражасини оширишга алоҳида эътибор қаратилган. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “Аҳолига тиббий ва ижтимоий-тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини оширишга, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга, тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга йўналтирилган ҳолда соғлиқни сақлаш соҳасини, энг аввало, унинг дастлабки бўғинини, тез ва шошилиш тиббий ёрдам тизимини янада ислоҳ қилиш” каби вазифалар белгиланган¹. Шу боисдан, тиббиёт ходимларининг психологик компетентлигини ошириш, уларнинг шахсий фазилатларини рўёбга чиқариш, психокоррекцион усуллар орқали фаолият самарадорлигига бевосита таъсир этувчи социал-психологик компетентлик омилларини шакллантириш долзарб муаммо сифатида қаралади [7].

Тиббиёт ходимларининг касбий компетентлигини ривожлантириш масалалари Шарқнинг буюк мутафаккирларини асрлар давомида қизиқтириб келган. Абу Райҳон Беруний (973-1048), Абу Али ибн Сино (980-1037), Абу Наср Форобий (872-950), Алишер Навоий (1441-1501) ўз асарларида, инсонларни тушуниш, мулоқотмандлик, суҳбатдошнинг хулқ-атвори, хатти-ҳаракатлари, кечинмаларига нисбатан адекват сезувчанлик, ахлоқий установакалар каби сифатларининг намоён этилишини “юқори даражадаги ахлоқий сифатлар” деб таърифлаганлар. Машҳур мутафаккир Абу Бакр ар-Розий (865-925) ўз даврида беморларни даволашда уларга рухий таъсир қилиш муҳим омиллардан бири эканлигини таъкидлаган. Буюк мутафаккир Абу Али ибн Синонинг (980-1037) “Тиб конунлари” асарида даволашнинг турли хил воситалари билан биргаликда, бемор руҳиятига таъсир кўрсатишнинг усуллари ва аҳамияти кенг ёритиб берилган. Ибн Сино касалликларни даволашда социал-психологик омилларга қатта эътибор қаратиб, беморнинг аввало руҳиятини сўз ёрдамида даволашни ва бу жараёнда тиббиёт ходимларининг мулоқотмандлиги, эмоционал интеллект ҳамда психологик компетентлигини ривожлантириш муҳим эканлигини таъкидлаб ўтади. Шунингдек, Исмоил Журжоний, Масихий Ал Карвакий, Чағминий каби табиблар ҳам касалликни даволашда тиббиёт ходимларининг социал-психологик компетентлик омиллари роли ва аҳамияти ҳақидаги қимматли фикр-мулоҳазаларини ёзиб қолдирганлар[2].

Замонавий психологияда тиббиёт ходимларининг социал-психологик компетентлигини ташкил этувчи психологик механизмлар, касалликларга таъсир қилувчи психологик омиллар, тиббиёт ходимларининг шахсий сифатларини уларнинг касбий фаолият самарадорлигига таъсири масалалари З.Р.Ибодуллаев, Д.И.Илҳамова, М.Х.Карамян, З.Абидова, Ю.К.Нарметовалар тадқиқотларида ўрганилган[1;3;4;5].

Тадқиқотлар натижалари таҳлили шуни кўрсатадики, касбий компетентликни ривожлантиришга доир илмий изланишлар олиб борилишига қарамай, айнан, тиббиёт ходимлари социал-психологик компетентлик омилларининг касбий фаолият самарадорлигига таъсири борасидаги тадқиқотлар бугунги кунда етарли даражада эмаслигини эътироф этиш мумкин.

Биз тиббиёт ходимлари касбий камолотида социал-психологик компетентликнинг омиллари ҳисобланмиш социал интеллект ва эмоционал интеллект орасидаги уйғунликни ўрганиш учун Н. Холлнинг “Эмоционал интеллектни ўрганиш” тестини татбиқ этдик. Бугунги кунда эмоционал интеллектни характерловчи бешта асосий элементини келтириб ўтаемиз[6]:

– ўз эмоциясини билиш;

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – №6 (766). – 70 модда. – Тошкент: Адолат, 2017. – Б. 38.



- ўз эмоциясини бошқариш;
- шахсий мотивациясини шакллантириш;
- бошқа инсонларнинг эмоциясини аниқлаш;
- ўзаро муносабатлар билан бошқариш.

Агар эмоционал интеллектнинг табиатига эътибор қаратилса, унда социал-психологик компетентликни тўлдирадиган томони борлигининг гувоҳи бўлинади. Тиббиёт ходимларининг эмоционал интеллектини татбиқ этилган тестнинг бешта шкаласига таяниб амалга оширилди (1-жадвалга қаранг).

Жадвал № 1.

Тиббиёт ходимлари эмоционал интеллектининг умумий кўрсаткичлари N=920

Эмоционал интеллектни ўрганиш тести	Шкалалар	М	S
	Эмоционал билимдонлик	14,71	2,748
	Ўз эмоциясини бошқариш	13,03	1,41
	Ўзини ўзи рағбатлантириш	13,40	1,86
	Эмпатия	14,22	2,23
	Ўзга инсонларнинг кечинмаларини сезиш	14,18	2,28

Изоҳ:

М – ўртача қиймат

S – стандарт хатолик

Тиббиёт ходимларининг эмоционал интеллектининг умумий натижалари учта шкаласи бўйича юқори ва иккита шкаласи бўйича ўрта натижани қайд этмоқда. Улардаги эмоционал билимдонлик (14,71 балл) юқори даражадан ўрин олганлиги инсон кечинма чегаралари, шахслараро муносабатдаги туйғуларни ҳис этиш, эмоционал интеллектнинг икки томони, яъни ўзининг эмоцияларини тушуниш учун интеллектуал бошқарувга ёки аксинча касбий фаолият жараёнида ижодий импульслар ва интуицияларни таъминлашда эмоцияга зарурат борлигини англаш, инсон эмоциясининг вазифалари тўғрисидаги билимларга, иш жараёнида эмоционал барқарорлик ва бекарорлик, стрессли ҳолат, депрессия ва улардан чиқиш йўлларини излаш тўғрисидаги психологик ва ҳаётий тажрибадан бохабар эканлигини кўрсатмоқда. Шу нарсани айтиб ўтиш лозимки, айнан эмоционал саводхонлик IQнинг муҳим жиҳати сифатида шахс хусусиятлари ва индивидуаллигига сингиб боради. Ўйлаймизки, тиббиёт ходимларининг эмоционал саводхонлигининг бу даражаси касбий фаолият жараёнида вужудга келадиган руҳий бузилишлар, эмоционал зўриқишлар, тиббиёт ходимларининг ўзаро муносабатларини ҳиссий тушунишига назарий жиҳатдан етарлича тайёрлигини англатади. IQнинг иккинчи кўрсаткичи “ўз эмоциясини бошқариш”. Бу шкала бўйича тиббиёт ходимлари ўртача қийматни намоён этган бўлиб, унда тиббиёт ходимларининг эмоция тўғрисидаги назарий маълумотларини амалиётда жорий этишда бир оз ортда қолаётганликлар, қийин вазиятларга дуч келганда эмоционал зўриқишларга берилиши, атрофдагиларни тушунишда асабийлашишлари мумкинлигидан далолат бермоқда (13,03 балл). Балки бу ҳолат касбининг машаққали меҳнати оқибатидир.

Эмоционал интеллектнинг яна бир функцияси бу шахснинг руҳий кўтаринкилигини қувватлаб туриш, унда ўзига ишонч туйғуси ва рағбатни таъминлашдан иборатдир. Тиббиёт ходимларининг мазкур йўналишдаги эмоционал жиҳатларини “ўз-ўзини рағбатлантириш” шкаласи қийматлари билан изоҳлашга тўғри келади. “Ўз-ўзини рағбатлантириш” шкаласидаги қийматлар ўртача даража билан чекланган (13,40 балл). Тиббиёт ходимлари эмоционал интеллектининг ушбу жабҳасида ҳам умумий респондентлар бўйича шахс эмоциясининг муҳим функциялари ва имкониятидан фойдаланиш йўл ва усулларини кўрсатиш лозим бўлар экан. Таҳлил этилаётган натижалар умумий бўлганлиги боис, тиббиёт ходимларининг вазифалари бўйича социал интеллект билан боғлиқ ҳолати таҳлил этилаётганда янги маълумотлар билан тақдим этиш имконияти туғилади. Агар “ўз-ўзини рағбатлантириш” шкаласи натижаларига кўра, тиббиёт ходимларининг эмоционал имкониятини ўз-ўзини рағбатлантириш, тушқунликлар,



рухий зуриқишлар ва кези келганда ютуқларга эришганда ҳам ундан етарлича қониқиш олишининг психологик усулларини билиши керак.

Аммо, навбатдаги “эмпатия” шкаласи қийматлари анча ижобийдир (14,22 балл). Эмпатия тиббиёт ходимларининг касбий фаолиятини таъминлашнинг муҳим шартидир. Тиббиёт ходимларининг ҳамкасбларини ва атрофдагиларни тушунишида эмпатия муҳимдир. Амалиётда эмпатиянинг етишмаслиги низоларга ва ўзаро тушунмовчиликларни келтириб чиқаради. Бундай ҳолатдан тиббиёт ходимлари анчагина йироқ дея оламиз. Назарий таҳлилларда эмпатия социал интеллектнинг асосий компонентлардан бири эканлиги тўғрисидаги сўз борганди. “Ўзга инсонларнинг кечинмаларини сезиш” шкаласи натижалари ҳам айнан эмпатияники сингари юқори қийматни акс эттирди.

Юқоридаги таҳлиллардан кўриниб турибдику тиббиёт ходимлари социал-психологик компетентлигини таъминловчи омилларни ҳар бири ўзига хос динамикаси ва натижасига эга ва бу социал-психологик компетентликни мустақкамлашга хизмат қилиши билан бирга ўз навбатида, ижтимоий психология фанидаги социал-психологик компетентлик самарадорлигини белгилашда муҳим аҳамият касб этиши табиий. Тиббиёт ходимларининг социал-психологик компетентлигини ривожланишида эмоционал интеллектнинг ўрни беқиёсдир. Бунга сабаб, тиббиёт ходимларининг касбий фаолиятига йўналтирилган талабларнинг ўсиб борганлиги ҳамда ижтимоий тажрибаларнинг шаклланганлигига боғлиқ бўлиши мумкин. Тиббиёт ходимларининг социал-психологик компетентлик омиллари кўрсаткичларининг ошиши бевосита уларнинг касбий фаолиятида тажрибанинг ошиши билан бир қаторда ижтимоий кўникма ва малакаларни шаклланиши билан ҳам боғлиқ бўлиши мумкин экан. Назарий ва эмпирик жиҳатдан тиббиёт ходимлари социал-психологик компетентлик самарадорлигига баҳо бериш учун тадқиқот мақсадига мос равишда қабул қилинган услубий мажмуаларнинг соғлиқни сақлаш тизимида татбиқ этилиши бугунги ижтимоий психологиянинг айрим амалий-татбиқий йўналишлари ва истиқболлари ҳақида янада чуқурроқ тасаввур ҳосил қилиш имконини беради.

Адабиётлар:

1. Абидова З.А. Тиббиёт ходимларида толерантликни шакллантиришнинг ижтимоий-психологик механизмлари. Психол. фан бўйича фалсафа докт. автореф. – Тошкент: ЎзМУ, 2017. – 20 б.;
2. Ibodullayev Z.R. Tibbiyot psixologiyasi. 3-nashr. Darslik. – Toshkent, 2019. – 486 b.;
3. Илҳамова Д.И. Половозрастные особенности отношения личности к болезни при сердечно-сосудистых заболеваниях работников (на примере больных ишемической болезнью сердца и артериальной гипертонией) // автореф. дисс. ... канд. психол. н. – Тошкент, 2003. – 22 с.;
4. Карамян М.Х. Социально-психологические особенности личности при психосоматическом заболевании: автореф. дисс. ... канд. психол. наук. – Тошкент, 2000. 18 с.;
5. Нарметова Ю. К. Соғлиқни сақлаш тизимида психологик хизмат фаолиятини ташкил этишининг ўзига хос хусусиятлари: Психол. фан бўйича фалсафа докт. дис. – Тошкент: ТДПУ, 2019. – 160 б.
6. Робертс Р.Д., Мэттьюс Дж., Зайднер М., Люсин Д.В. Эмоциональный интеллект: проблемы теории, измерения и применения на практике// Журнал высшей Школы экономики.– М.: 2004. № 4. (1). – С. 3-24.
7. Собирова Д.А. Тиббиёт ходимлари касбий компетентлигининг психологик асослари. Монография – Бухоро. “Дурдона” 2020 – 248 б.

Мундарижа/Содержание/Contents

3	Баратов Ш.Р., Баротова Д.Ш., Исмамова Д.Т.
	<i>Оила психологияси фанидан мультимедия маҳсулотининг яратилиши: муаммо ва ечимлар</i>
9	Абдуллаева Б.С., Якубова Г.А., Искандерова С.А.
	<i>Психологлар амалий фаолиятидаги психофизиологик методларнинг муҳим ўрни The role of psychophysiological techniques in the practical paralysis of psychologists</i>
13	Собирова Д.А.
	<i>Тиббиёт ходимлари фаолиятида социал-психологик компетентлик ва эмоционал интеллект орасидаги муносабатлар таҳлили (Холл услуги бўйича) Analysis of the relationship between social-psychological competence and emotional intelligence in the activities of medical personnel (according to the Hall method)</i>
17	Назаров А.М.
	<i>Спортчиларда муҳофаза механизмларини ривожлантиришнинг ўзига хос психологик хусусиятлари Specific psychological features of the development of protection in athletes</i>
22	Авлаев О.У. (Обуна+)
	<i>Талабалар камолотида ижтимоий интеллектнинг гендер фарқлари Gender differences in social intelligence in student maturity</i>
29	Адилова Ш.Т. (Обуна+)
	<i>Суицидал хулқ-атвор-психологик муаммо сифатида Suicidal behavior-as a psychological problem</i>
33	Арзикулов Д.Н. (Обуна+)
	<i>Спорт-педагогик фаолият қобилиятларини ривожлантиришнинг ижтимоий-психологик шартларини моделлаштириш. Modeling of socio-psychological conditions of development of abilities of sports-pedagogical activity.</i>
39	Арсланов К.П., Джураева М.З., Жўраев Ж.Р. (обуна+)
	<i>Психологическая сущность воспитания спортсменов. The psychological essence of the education of athletes.</i>
43	Munirov N.A. (обуна+)
	<i>Jismoniy tarbiya mashg'ulotlarida bolalar rivojlanishining psixologik yosh xususiyatlari Psychological age characteristics of children's development in physical education classes</i>
48	Давронов Н.И. (обуна+)
	<i>Қадриятли ёндашув асосида бошланғич синф ўқувчиларида жисмоний сифатларни тарбиялашнинг психологик хусусиятлари Psychological characteristics of the upbringing of physical qualities in primary schoolchildren on the basis of a dignified approach</i>
51	Нарзикулова Д.Х. (обуна+)
	<i>Оилада низоларнинг яратувчанлик ва бузғунчилик хусусиятларини бартараф этишнинг психологик жиҳатлари Psychological aspects of overcoming the creative and destructive features of conflicts in the family</i>
55	Ишонкулова Н.И. (Шавкат)
	<i>Особенности и тенденции развития стрессоустойчивости в подростковом возрасте Features and trends in the development of stress resistance in adolescence</i>
60	Қаршиева Д.С. (обуна+)
	<i>Касбий стресс ва унинг детерминантлари Occupational stress and its determinants</i>
64	Мамажанов И.Г. (обуна+)
	<i>Талабаларни касбий инновацион фаолиятга тайёрлаш</i>

*Jurnal O'zbekiston Respublikasi
Vazirlar Mahkamasi huzuridagi OAK
Rayosatining 2013-yil 26-dekabrdagi
201/3-sonli qarori bilan psixologiya
fanlari bo'yicha dissertatsiya ishlari
ilmiy natijalari yuzasidan ilmiy
maqolalar chop etilishi lozim bo'lgan
ilmiy jurnallar ro'yxatiga kiritilgan.*

ISSN 2181-5291



9 772181 529113

11